



ISHONCH

Газета 1991 йил
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 18 феврал, шанба № 29-30 (2079)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Инсон кўнгли гўлдек нозик. Бошига ташвиш тушган одам ўз дардига ҳамдард излайди. Мушқули осон бўлганда қалбдаги ғубори кўтарилиб, енгил тортади.

Чирокчи туманининг Толмас Тиллаев номли маҳалласида яшовчи Раҳимқуловлар оиласининг фарзандлари Наврўз, Сардор ва Гўзаллар тақдир изми билан тўшакка миҳланиб қолишган. Шунга қарамасдан, ота-оналари, қариндош - уруғлари ва ҳомийлар ёрдамида ногиронлик қийинчиликларини енгиб ўтиб, ҳаётга меҳр - муҳаббат билан қарашади. Болалар Республикамиз Президентига мактуб йўллаб, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдирган эдилар.

Яқинда республикамиз пойтахтидан ўғил - қизларга ажойиб совға келди. Юртбошимиз уларнинг мактубларини ўқиб чиқиб, энг сўнги нусхадаги компьютерни совға қилдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Шарофиддин Назаров ва туман ҳокими Нурулла Қаюмовлар Раҳимқуловлар хонадонига бўлиб, давлатимиз раҳбарининг совғаларини топширишди.

Бундан бир неча кун муқаддам вилоят ҳокими фарзандларимиз аҳволидан хабар олиб, кўнгилларини кўтарган эдилар, - дейди оила бошлиғи Қулмамат ака Раҳимқулов. - Раҳбарларимизнинг бугунги ташрифи, Юртбошимизнинг меҳру-эътиборидан бошимиз кўкка етди.

Болалар тушқунликка тушгани йўқ. Тинмай китоб мутолаа қилишади, телевизор кўриб, радио тинглашади. Наврўз ва Сардор шеърлар машқ қилса, Гўзал сурат чизади.

Ўтган йили Гўзал Раҳимқулова республика ногирон болалар ўртасида ўтказилган "Мафтункор ранглар жилоси" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, мукофотга сазовор бўлди. Туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар маҳалла ва қишлоқларда яшайдиган бошқа ногирон болаларни ҳам оталиққа олиб, уларга доимий ғамхўрлик кўрсатапти.

Ўз мухбиримиз



ФАОЛЛИКНИ **Бугуннинг гапи**

БАЛАНДПАРВОЗЛИККА ЙҮЙМАНГ **2-бет**

**у жамики ўзгаришларга
ҳозиржавобликдир**

Касаба
уюшмалари:
кеча, бугун ва эртага

3-бет

**ИЖОДИЙ ФИКРЛОВЧИ
ЕТАКЧИЛАР ЗАРУР**



5-8-бетлар

Ўқинг,
асқотади

**КЕЧИКСАНГИЗ
ЮТҚАЗАСИЗ
10-бет**



**11-бет
СКАНВОРД**

Муштарий фикри

«...ОТА»ЛАР

шаънига соя тушмасин

11-бет

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунлари-га бағишланган мажлисидаги маърузаси барча юртдошларимиз катори андижонликлар томонидан ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислохотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳолига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Томчида куёш акс этади. Бу ҳақиқатни Андижон тумани Орол қишлоғи аҳолиси турмуши, кундалик ҳаётида яққол кўриш мумкин.

Орол – тумандаги алоҳида салоҳиятга эга қишлоқлардан бири. Унда 1548 та хўжалик, 3 та маҳалла, 837 та оила мавжуд бўлиб, қарийб 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Қишлоққа қадимдан қилиш-ингиз билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий инфратузилма соҳасидаги ислохотларнинг ижобатиға гувоҳ бўласиз. Эзда чанг буруқсиган, кўзги ёмғирларда лойга ботган кўчаларга бугун асфальт ётқизилган, машиналар дарёдек оқмоқда. Яқин-яқингача беморлар дардларига даво излаб – Андижон шаҳрига қатнашарди. Эндликда узоклари яқин, мушкуллари осон. 30 ўринли қишлоқ врачлик пункти кеча-кундуз аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Унда тиш даволаш, биринчи ёрдам кўрсатиш, физиотерапия каби 10 та бўлим қишлоқ аҳлининг дардига малҳам бўлмоқда. Даволаш-профилактика тадбирлари текин, хоналар замонавий тиббий ускуна ва техника воситалари билан жиҳозланган.

Кадрлар тайёрлаш тизимидаги янгилашлар мустақилликнинг тотли меваларидир. 2005 йилнинг сўнгги чорагида қуриб фойдаланишга топширилган янги касб-хунар коллежи соҳадаги ислохотларга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда оролликларнинг 600 нафарга яқин фарзандлари банк-молия соҳасида 6 та йўналиш бўйича компютерлашган, интернетга уланган синф хоналарида касб-хунар эгалламоқдалар.

Иқтисодий тизимнинг таянчи – қишлоқ мулкдорларининг сафи кенгайиб бораётганлиги ислохотларнинг бардавомлигидан далолат. Бу Вазирлар Маҳкамаси мажлисида эътироф этилганидек,

бандлик дастури ижроси, аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринларини барпо қилиш, энг муҳими фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш имконини яратмоқда. Айни кунларда қишлоқда яқна тартибда 150 нафарга яқин ишбилармон, юридик мақом олган 80 нафар фер-

ТОМЧИДА КУЁШ АКСИ

мер хўжаликлари, микрофирма, кичик корхона эгалари фаолият юритмоқдалар. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф амалда шаклланимоқда. Биринчи навбатда бу ўз кучи ва имкониятига таяниб, суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқайётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган тадбиркорлардир.

Тадбиркор, ўз ишининг устаси Мақсудахон Тешабоевани олайлик. Маҳалладошлари қўли гул опахондан миннатдор. У хонадонидан миллий хунармандчилик йўналишида ишлайдиган кичик цех очди. Бу эзгу ишда туман меҳнат бўлимининг ёрдами катта бўлди. Оила аъзоларидан ташқари 7 нафар хотин-қизни ёнига олиб, уларга сўзана, жойнамоз, дераза ва эшик пардалари, тўй либослари тиқишни ўргатди. Опахон ва унинг шогирдлари қўлидан чиққан бежирим, пишиқ кийим-кечак ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари бозор ва дўкон пештахталарининг кўркига айланган.

Уста Мансуржон Маъмуров дастлаб шогирди билан иш бошлаган эди. Хунарманд ясаган меҳнат тўпламлари харидорлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Айланма маблағига барака кирди. Ишонч кенгайиб, маҳсулот тури

кўпайди. Ҳозирда рўзғори бут, энг муҳими, 7 нафар ороллик ёшлар ишхонада кўним топган.

Фотимахон Ҳамроқулова тошдан гул ундирадиган миришкор деҳқонлардан. 18 сотихли иссиқхонасида 30 нафар маҳалладошлари меҳнат қилапти. "Ойнаванд далада" қарсилдоқ бодринг, ёқутранг помидорлар, барра кўкатлар қишин-ёзин бисёр. Ўзидан ошиниб, топган даромадини кам таъминланган оилалар билан баҳам кўраётгани мактовга сазовор.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ҳаётини фаровон қилишда, шу асосда ижтимоий ҳимоя тизимини барқарорлаштиришда қишлоқда изчил саъй-ҳаракат кетмоқда. «Маориф» маҳалласида 30 ўринли янги қишлоқ врачлик пункти қурилиши авж олган. «Курюқ қайрағоч» маҳалла ўраида 15 км узунликда газ қувурлари тортилмоқда. Тоза ичимлик сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадида янги сув иншооти ишга тушиш арафасида. Бу юмушларда маҳаллий тадбиркорлардан Абдушукур Маматқулов, фермерлардан Собиржон Худойбердиевлар ҳомийлик ёрдамларини кўрсатмоқдалар.

Умуман, Орол қишлоғида эл-юрт ишига камарбаста саҳоватпешалар кўп. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар, нуруний, ногиронларни қўллаб-қувватлаш оролликлар учун қадриятга айланган. Масалан, қишлоқ аҳолиси кўмаги билан 2 нафар ногиронга аравача совға қилинди. Яқна-ёлғизлардан Эркабоев Маъруфжоннинг турар-жойи худуддаги Тошматов номли ширкат хўжалиги маблағи ҳисобидан таъмирдан чиқарилди. Омадхон Мавлоновани ҳам ҳамқишлоқлари ёлғизлатиб қўймадилар. Унинг болалиқдан ногирон ўғли туман ҳокимлиги ҳамда маҳалладошлар ёрдамида жарроҳлик операцияси қилинди. Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деганлари шу бўлса керак-да.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Наманган вилояти фаолларининг 2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий янада ислохот қилиш ва эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими И.Нажмиддинов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари вилоятда ўтган йили бир қатор ижобий ўзгаришларга эришганини, хусусан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, саноат моллари 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори 3,9 фоизга ўсганини таъкидладилар.

Вилоятда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида 2005 йилда маҳсулот эксперти ҳажми 26,9 фоизга ортди. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари, тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодийта сармояларни жалб этиш масалаларига етарлича эътибор берилмади. Кўплаб йирик корхоналар, ишлаб чиқариш субъектларининг молиявий аҳоли талаб даражасида эмас. Банклар фаолияти хўжалик юритувчи тадбиркор ва фермерларнинг эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти.

Уй-жой коммунал хўжалиги ва алоқа тизимларида, аҳолини нефт маҳсулотлари, газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

(ЎЗА)

Раҳбар ва ходимлар биргаликда бус-бутун бир жамоани ташкил этади. Уларнинг асосий мақсадларини бир-биридан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат айрим ҳолларда уларнинг манфаатлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, биринчи эда келиши мумкин. Умуман олганда эса улар алоҳида-алоҳида мавжуд бўла олмайдилар. Иш берувчи корхона ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, бундан кўпроқ фойда олишга, фойдани мумкин қадар ишлаб чиқаришга сарфлашга ҳаракат қилади. Бу йўлда унинг учун бошқа жамики масалалар, баъзан ҳатто ишчилар манфаати ҳам иккинчи даражали бўлиб қолади. Ҳолбуки, ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи асосий куч меҳнатқашлардир. Ходимлар ҳам корхонанинг иқтисодий юксалишини, олинандиган фойданинг каттароқ қисми ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қондирилишига ажратилишини истайди. Худди шу ўринда томонлар мақсадларининг бирлиги ва айни пайтда ўз манфаати ҳимояси учун интилиши намоён бўлади. Худди шу ўринда, яъни томонлар манфаатлари уйғунлигини таъминлашда иш берувчи ва касоба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бунда масъулият ва ишнинг оғирлиги кўпроқ касоба уюшмалари зиммасига тушади. Чунки корхонанинг барча моддий бойликлари, иқтисодий воситалари иш берувчи тасарруфиди, касоба уюшмалари эса ҳар қандай ҳолатда ҳам ходимларнинг қонуний манфаатлари қондирилишида адолатга, узлуксизликка эриша олиши керак. Ҳўш, бу вазифанинг уйдасидан чиқа олаёпмизми? Фаолиятдан ибрат олса арзийдиган касоба уюшма ташкилотлари кўп. Масалан, «Нафис» ҳамда «Самарқандгаз» газ таъминот корхонасида ишлар яхши йўлга қўйилган. Самарқанд аэрогеодезия корхонасида ходимларнинг вахта усулида ишлари ҳисобга олинди, касоба уюшма ташкилотининг тақлифи билан уларни ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоялаш чоралари белгиланган. Асосий гап бу тадбирлар

қоғозда қолиб кетмаётганлигидадир.

Фаоллик иборасини баландпарвозликка йўймаслик керак. Буни меҳнат жамоаси ҳаётидаги жамки ўзгаришларга нисбатан ҳозиржавоблик деб тушунган маъқул. Бу эса энг оддий, қўтилмаган ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Қиш кунларида ўқитувчилардан бирининг хонадонидида фожиа рўй берди. Пастдаргом туман тармоқ касоба уюшма кенгаши етакчилари воқеа жойига биринчилардан бўлиб етиб боришди. Жабрдийдалардан кўнгил сўрашди. Касоба уюшма кенгаши ва иш берувчи ҳисобидан катта миқдорда моддий ёрдам ажратилишига эришилди. Бундай жонкуярлик минглаб одамларнинг касоба уюшмаларига ишончини мустаҳкамлайди. Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш

ФАОЛЛИКНИ БАЛАНДПАРВОЗЛИККА ЙЎЙМАНГ

**у жамики ўзгаришларга
ҳозиржавобликдир**

билан бирга айрим масалаларда иш берувчига ҳам кўмаклашишдан ўзини тортмаслик керак. Бундай мадакорлик, ҳамкорлик келгусида (ходимлар манфаати учун) ўз самарасини беради. Самарқанддаги «8 Март» ХЖ банкрот ёқасига келиб қолган, бу масалани узил-кесил ҳал қилиш хўжалик судига ҳавола этилган эди. Ҳар қандай корхонанинг банкрот деб топилиши, фаолиятининг тугатилиши юзлаб ходимларнинг ишсиз қолишига, қанчадан-қанча оилаларнинг даромаддан (даромадларнинг бир қисмидан) маҳрум бўлишига олиб келади. Нарийғи кўплаб ижтимоий муаммоларга уланиб кетади. Қисқаси, «8 Март» ХЖ масаласи ижобий ечим топди. Корхонани тўла инқироздан сақлаб қолишда ҳокимлик ва юқори бошқарув идорала-

рининг чексиз ёрдами камситмаган ҳолда айтмоқчимиз; бунда вилоят енгил, меҳнат саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касоба уюшмаси вилоят кенгашининг ўзига яраша ҳиссаси бор. Гап ким қандай масалани ҳал қилганлигида эмас, балки корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти қайта изга туширилганлигидадир. Бу иш берувчининг ҳам, меҳнат жамоасининг ҳам манфаатиға мос келади. Ана шундай ҳиммат, фидойилик кўрсата олган касоба уюшма ташкилоти билан ҳар қандай иш берувчи ҳисоблашади, маслахатлашади, тенг ҳамкорлик қилади. Оғир кунингда корингга яраган дўстларнинг ҳурмати баланд бўлади, деб бежиз айтишмаган.

Ўн йилдирки, хизмат тақозосига кўра касоба уюшма ташкилотлари ишини ку-

Бугуннинг гапи

вомида касоба уюшма етакчилари ходимларнинг мулоҳазаларини ўрганиш орқали ўз корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қандай тақлидлар киритишгани билан кўп қизиққанман. Лекин камдан-кам ҳолларда жавоб ижобий бўлган.

Меҳнат ҳуқуқлари поймол қилинган ходимнинг юқори касоба уюшма ташкилотларига қилаётган кўпдан-кўп мувожадатлари қуйи ташкилотларнинг сусткашлигидан, бўшанглигидан далолат беради. Ҳолбуки, бу масалаларни билимли, қатъиятли етакчи ўша жойнинг ўзида ҳал этиши мумкин. Юқори ташкилотларнинг аралашуви билан масала ҳал бўлгач, бу

борада ўз вақтида чора кўрмаган қуйи ташкилот етакчиси ўша ходим ва барча ходимлар олдида обрўсини, жамоада мавқеини йўқотиб қўймайми? Ҳам-

ма иш қонун доирасида бўлишига эришиш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Мавжуд аҳвол, ишни яхшилаш йўллари ҳақида мулоҳазалар кўп. Муҳими, касоба уюшма ходимлари манфаатини ҳимоялаш, ифодалаш жараёнида иш берувчи раъйига қарши борса-да, умумий иш нуқтаи назаридан битта мақсадни кўзлайди. Фаолиятнинг бутун масъулиятни, мураккаблиги мана шунда намоён бўлади. Зеро, бугун касоба уюшма ташкилотлари қандай бўлиши кераклиги, ишни қандай ташкил этиш кераклигини амалий фаолият билан машғул етакчилар ҳал этишади. Уларнинг кимлиги ушбу жараёнда билинади ва ўз баҳосини олади.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи ташкилот зиммасига муайян вазифалар юклади. Эътиборли жиҳати мамлакатимиз фуқаролари умуммиллий, тармоқ, худудий ҳамда маҳаллий даражадаги ижтимоий мулоқот ва шерикчилик таъминини асосида ҳимояланиб келинаётганидир. Аммо ҳали бажарилиши лозим бўлган юмушлар оз эмас. Шу боис ҳам анжуманда вазифалар ечимини тадқиқийликка, босқичма-босқичликка ва изчилликка алоҳида эътибор қаратилди. Мақсад лўнда, аниқ намоён этилди. Бугунги юмуш нималардан иборат? Қолаверса, қуйи ташкилотлар йўриқлар ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этишда муайян бурилишларга эриша олаётими? Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти Кенгаши ташкил этган мулоқотда ана шулар ҳусусида гап борди.


Куйида катнашчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, иш тажрибаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Қаршибой Эшназаров, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши раиси, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси ўринбосари:

— Энг аввало, қурултой олдимизга қўйган вазифаларни барча бошланғич ташкилотларга етказишга интилдик. Вилоят, туман миқёсидаги ўқув-семинарларда истиқболли режалар белгиланиб, бу борадаги ишлар рағбатлантирилиши кўзда тутилди. Таъкидлаш жоиз, жамоат ташкилоти фаолият йўналиши мазмун ва моҳият жиҳатидан сезиларли даражада бойиди.

Бугун кечаги кун билан фикрлаб ҳам, яшаб ҳам бўлмайди. Ижтимоий шерикчилик, меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг муҳофазаси, бандлик даражаси, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқлари, барча меҳнат ахлининг туб манфаатларини муҳофазалашнинг самарали шакллари суянишимиз ва фойдалана билишимиз лозим. Ошқора, беғараз мулоҳаза ва таклифлар умумий ишимизга фақат наф келтиради.



Анорбой Ўринбоев, тармоқ касаба уюшмаси вилоят Кенгаши раиси муовини:

— Ҳукуматимиз таълим тизими ходимлари ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратапти. Айни чоғда биз-

нинг зиммамизда бу юмушни амалга ошириш вазифаси турибди. Бунинг учун ижодий фикрловчи етакчилар зарур. Кадрлар сифат таркибини бир қадар яхшилашга эришдик. Аммо ҳали бу йўналишда етарли тажрибага эга бўл-

ИЖОДИЙ ФИКРЛОВЧИ ЕТАКЧИЛАР ЗАРУР

маган, иш мазмун-моҳиятини теярроқ англаб етишга қийналаётганлар ҳам. Йўқ эмас. Цех ташкилотларида бу, айниқса, яққол сезилмоқда. Уларни тарбиялаш, билим ва кўникмаларини ошириш лозим. Шу йилнинг 10 февралда ташкил этилган бошланғич ва цех касаба уюшма раҳбарлари ўқуви кўп нарса берганига ишончимиз комил. Унда мутахассис ва ҳуқуқшунослар бурч ва кафолатлар юзасидан кўплаб саволларга жавоб қайтаришди. Бундай юзма-юз мулоқотларни ҳар ойда ташкил этишга келишиб олдик. Асосий фикр-эътиборимизни иш берувчилар билан талашиб-тортишишга эмас балки ҳамкорликнинг энг маъқул усуллари ва йўллари топишга қаратмоғимиз даркор. Ана шунда меҳнаткашга кўпроқ нафимиз тегади.

Юсуф Мадалиев, тармоқ касаба уюшмаси вилоят Кенгашининг Гулистон шаҳри бўйича вакили:

— Тармоқ ходимлари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан 2004 — 2006 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини қабул қилганмиз. Ана шу меъёрий ҳужжат асосида ишляймиз. Шартномага ўта долзарб тадбирларни киритиб, улар ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатганмиз. Ўтган йил давомида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилмади. Қўшимча ва устама тўловлар байрам ва дам олиш кунлари, кечки ва тунги вақтларда ишлаганларга оғишмай ётказиб берилди. Бу эса таълим ходимларининг ўз касбларига бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ошириб, кўнимсизликни кескин камайтирди. 2004 йилга нисбатан бу кўрсаткич 40 фоизга қисқарди. Куз-қиш мавсумларида таълим муассасалари шароитини тугал қилишга ҳомийлар ҳам кўмаклашди. Улар билан мулоқотларимиз натижаси ўлароқ ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди. Яъни ўтган фурсат ичида шаҳар халқ таълими тизимига ҳомийлар 26 миллион сўмлик ёрдам беришди. Шунингдек, бюджет ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали хонадонлар кўллаб-қувватлаб ке-

линапти. 2005 йил мобайнида 773 нафар кам таъминланган хонадон фарзандларига қишки кийим-бош, 83 нафар ўқувчига ўзбек тилидаги, 37 нафар болага рус тилидаги дарсликлар олиб берилди. Ногирон болаларни мактабдан ташқари ўқитишни ташкил этганлигимиз ўз самарасини бермоқда. Ана шундай тахсил олаётган 20 нафар ўқувчи дарсликлар билан таъминланди.

Касаба уюшмалари соҳа ходимлари оилавий шарт-шароитини мунтазам ўрганиб боришга одатланган. Ўтган фурсат 6 та оилада моддий муаммолар борлиги аниқланди. Уларга электр энергияси, табиий газ ва дори-дармонлар учун тўловларни амалга оширдик. Иқтисодий танқислик сезган 22 нафар ходимга касаба уюшмалари томонидан моддий кўмак ажратилди.

ва кўмакка муҳтожлигини сезиб қолдик. Вакилликимиз билан келишиб уни молиявий қўллаб-қувватладик. Муаммосини бартараф этишга ёрдамимиз теғди. Демокриманки, касаба уюшма вакили ким моддий кўмакка ариза ёзаркан, ким ёрдам сўраркан, дея кутиб ўтириши ножоиз. Аксинча, у одамлар руҳиятини, кундалик турмуш тарзини, керак бўлса фикру ўйини ўқиб олиши лозим. Ана шундагина жамоадагилар унга эргашади. Ишончи ортади.

Анорбой Ўринбоев:

— Юқорида эътироф этилганидек, касаба уюшма аъзолари сонини кўпайтириш гоё долзарб масала эканлигини назардан қочирмаслик лозим. Ҳали ташкилот билан алоқа боғламаганлар бор. Одамларга жамоат ташкилоти имкони-

лишдаги ишлар бошланиб кетди. Унинг самараси шундаки, аввало касаба уюшмага янги аъзоларни жалб этиш билан қўшимча маблағ манбаи яратилади. Топган пулни ходимлар ижтимоий муҳофазасига сарфлаш билан бир вақтда ёшларни чиниқтиришга, спорт-соғломлаштиришда янги имкониятлар яратишга эришамиз.



Юсуф Мадалиев:

— Меҳнаткашларни соғломлаштириш, спортга жалб этиш ишимизнинг ажралмас қисмига айланган. Анъанавий спартакиадаларимизда соҳа ходимларининг 250 нафардан кўпроғи иштирок этди. Уларга шарт-шароит яратиш, тушлик учун 375,5 минг рағбатлантириш учун 120 минг сўм маблағ сарфладик. Таълим ходимлари волейбол жамоаларининг эришган ютуқлари учун 169 минг сўм ажратилди. Бу йўналишдаги ишларни Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада жонлантириш ниятидамиз. Энг муҳими, касаба уюшма билан ҳамкорликка тайёр турган ўнлаб ҳомийлар бор. Улар ҳар бир тадбирга хайр-саховат кўрсатиш фикрини билдиришяпти. Шерикчиликнинг бу усули ўзини оқлашга шубҳа йўқ.



Раъно Мирзаахмедова:

— Маҳалла билан чамбарчас алоқа боғлаганмиз. Бунинг самараси ўлароқ боғчага қатновчилар сони илгариги йилларга қараганда 13 фоизга ошди. Ҳукуматимиз яратган шароитни одамларга тушунтирдик: Бунда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қўл келди.

яту имтиёзларини тўлароқ аниқлашимиз керак. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатимиз натижа бергани барчага маълум. Ўтган даврда биргина таълим тизимида касаба уюшма аъзолари сафига 1878 нафар киши қўшилгани фикримизга далилдир. Ҳар бир етакчи касаба уюшма кўмагидан четда қолаётганларни амалий ишлар орқали сафга тортмоғи зарур, деб ҳисоблайман.

Қаршибой Эшназаров:

— Бугунги бошланғич раҳбар савиясига тўхталиш керак. Чунки ҳали лоқайдликка берилганлар бор. Жамоада ўз сўзига эга бўлмаслик ачинарли. Ўтган йили ҳуқуқий, ижтимоий мавзуларда саккиз мартадан ошиқ ўқув ўтказдик. Лекин меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишидан ҳамон қутула олмаёмиз. Бир йилда 7 та ҳолатда иш берувчилар томонидан қонунга зид буйруқлар қабул қилинган. Бевосита ходим тақдирига боғлиқ қонун бузилишларига жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари бефарқ бўлишган. Тўғри, йўл қўйилган хатолар вилоят кенгаши аралашуви билан бартараф этилди. Аммо жойлардаги бизнинг вакилларимиз фаолиқни, ташаббусни бой берганидан кўз юмолмаймиз. Бундан ташқари, муҳим вазифалардан бири тижорат тузилмаларидан маблағ топишни ташкил этиш, уни меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясига йўналтиришимиз лозим.

Ҳабибулла Аброров:

— Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорликда янгилик устида иш олиб бораёмиз. Коллежимизда Польша технологияси асосида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини цех барпо этишга киришдик. Бу йўна-

Мулоқотда касаба уюшма аъзоларини яқка тартибда қайд этишни намунали ташкил этиш, фаоллар ўқувини жонлантириш, ўрта бўгин раҳбарлигига ёшларни тайёрлаш, норасмий секторда ўсмирлар меҳнатини муҳофазалаш каби кўплаб масалалар юзасидан фикр билдирилди. Ҳар бир касаба уюшма ташкилоти "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури"дан келиб чиққан ҳолда иш юритиш, қурултой белгиланган вазифани адо этишда жонбозлик кўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

Мулоқотни Нурилла ШАМСИЕВ ёзиб олди
Мухаммад КАРИМОВ
олган суратлар

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ВА УЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

САВОЛ: Қайси касалликлар касб касаллигига киради? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

З.МАДАМИНОВА, Зангиота тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 6-иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган. Бу касалликлар қуйидаги 7 та бўлимга бўлинади:

1.Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

2.Саноат аэрозоллари ва чанглар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

3.Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

4.Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

5.Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

6.Кимёвий синтетик моддалар, (шу жумладан, пестицидлар) дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7.Иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг ҳар бирининг бир-нечта турлари мавжуд бўлиб, буларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин.

Касб касаллигига нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда аниқланган зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча вақт ишлаши мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлиги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан махсус тузиладиган тиббий-меҳнат экспертизаси комиссиялари томонидан ҳал этилади.

САВОЛ: Мен 1992 йилдан буён 1 гуруҳ касб касаллиги ногирониман. Ҳар йили Тошкент илмий текшириш, касб касалликлари институтига даволаниш учун бориб тураман. Ишонамдан ҳар ойда товон пули олиб тураман. Лекин муассаса раҳбарлари дори-дармон, йўл харажатлари учун иктисодий ёрдам беришдан бош тортишмоқда. Умуман корхона товон пулидан ташқари менга яна қандай тўловлар тўлаши керак?

Н.ХОЛМИРЗАЕВА, Ургут тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тартиблари тасдиқланган. Ушбу қонуннинг III бўлим 19-қисмида меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш тартиби белгиланган. Унга биноан етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига, ўртача ойлик иш ҳақидан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга протезлаш, жабрланувчини парварши қилиш, санаторий-курортда даволаниш, шунингдек, даволаниш жойига бориш ва келиш учун сарфланган йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса жабрланувчини кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари, махсус транспорт воситалари ва бошқаларни сотиб олиш (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олманган тақдирда), шунингдек, жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича низо пайдо бўлганда ҳамда бу низо жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун (давлат томонидан белгиланган нархлар бўйича) қилинган харажатлар киради. Шуни айтиш жоизки 1 гуруҳ ногиронлари учун ТМЭКнинг "Ўзганиш парваршига муҳтож"лиги ҳақида хулосаси талаб қилинмайди (улар махсус тиббий парваршига муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно). Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган тартибнинг III бўлим 20-қисмида қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтдаги нархларга мувофиқ аниқланиши белгиланган.

Махсус тиббий парваршига муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади. Уй шароитида парварши қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Шунингдек, ҳам махсус тиббий ҳам уй шароитида парваршига муҳтож бўлган жабрланувчига уй шароитидаги парварши билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парварши харажатларига қўшимча равишда тўланади.

Жабрланувчини парварши қилиш учун қўшимча харажатлар, уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар тўланади.

Махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва уларни асосли тузатиш учун харажатлар уларнинг қиймати доирасида тўланади.

— Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисидаги тартиб III бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга, ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақтига тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўл-кўра харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

ДАВРА
СУҲБАТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўқитувчи-мутахассислари ва «Олий журналистика» курс тингловчилари ҳамда Республика Журналистлар ижодий уюшмаси аъзолари билан давра суҳбати ўтказилди. Унда Президент ташаббуси билан ташкил қилинган «Олий журналистика» курсининг очилиши ҳамда ўқитиш жараёнидаги ютуқ ва муаммолар тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда келгуси ўқув йили учун режалар белгилаб олинди.



Т.НОРКУЛОВ
ЎЗА олган сурат

БОБОНИНГ УЙ МУЗЕЙИ

Пахтачи тумани маркази ҳисобланган Зиёвуддин шаҳарчасида муборак 90 ёшни қаршилаган ҳали ҳамон тетиқ ва бақувват Бекназар бобо Худойназаров ўзининг турмуш ўртоғи Робия момо билан қарилик гаштини сурмоқдалар.

Салкам олтимиш йил мобайнида Бекназар бобо ўзининг сеvimли машғулоти — уй-музейини жиҳозлаш ва уни турли туман экспонатлари билан бойитиш билан шуғулланади.

Бобонинг уй-музейидан ўрин олган экспонатларнинг деярли кўпчилиги унинг ўзи томонидан ясалган. Музейда ноёб миллий ҳунармандчилик асарлари, миллий музикаий чолғу асбоблари билан бир қаторда юртимизнинг таниқли давлат ва жамоат арбобларининг турли даврларда туширилган суратлари ҳам ўрин олган.

—Уй-музейимиз экспонатлари орасида олтимиш йил илгариги буюмлардан тортиб шу бугунги кун жиҳозларигача мавжуд. Ушбу гўша ҳамиша мактаб ўқувчилари билан гавжумлигидан биз хурсандимиз, дейди Робия момо Худойназарова.

Меҳнат муҳофазаси

Совуқ хабар тез тарқалади. Бахмал туманидаги "Бекелди" кишлоқ аҳли мудҳиш фожеани эшитиб ҳангу манг бўлиб қолишди. 38 ёшли беш нафар вояга етмаган норасидаларнинг отаси Қаҳрамон Бегалиев нефт маҳсулотларидан заҳарланиб иш жойида вафот этди. Марҳум уч йилга яқин "Гулистон нефт базаси" унитар корхонасининг Сирдарё филиалига қарашли 5-ФЭТШ (фермерларга ёқилги тарқатиш шохобчаси)да оператор бўлиб ишларди. У ўз вазифасига сидқидилдан ёндошиб, топшириқларни кўнгилдагидек бажаришга интилиб келди. Шундай кўнлардан бирида, эрталаб шохобчага 12 АФ 477 рақамли махсус автоуловда ёнилги олиб келинади ва 2200 литр нефт маҳсулоти иккинчи сизимга тўкилади.

Марҳумнинг отаси Холикул Бегалиев турли идораларга ёзган шикоят хатида ўғлининг ўлимига асосий сабаб сизимга қуйилган ёқилгининг ифлослиги ва яроқсизлигидан деб кўрсатади. Шунингдек, "шохобчага келтирилган бензин маҳсулотига атайлаб дизель ёнилгиси аралаштирилмаганида ва сизимни тозалаш тўғрисида буйруқ берилмаганида болам ҳалок бўлмасди", — дейди у.

Дарҳақиқат, шохобчага келтирилган сифатсиз ёқилги билан марҳумнинг ўлими ўртасида қандай боғлиқлик бор? Аслида ўша маҳсулот, ҳақиқатан ҳам ифлосланганмиди, деган бир қатор саволлар кўндаланг ётади. Айни шу масалада автоулов ҳайдовчиси Шухрат Норматовнинг фожеадан сўнг Сирдарё туман прокурори номига ёзган тушунтириш хатига эътибор қаратсак:

"2005 йил 31 октябр куни эрталаб нефт базага ишга келдим. Кейин корхона ишчиси Молия опа 5-сонли ФЭТШга 2200 литр АИ-80 бензини олиб бориш ҳақидаги юк хатини берди. Сўнг базага кириб уни оператор Ҳасан акага бердим. Цех бошлигининг укаси Шухрат машинани аввал дизел ёқилгиси шохобчасига ҳайдаб, у ердан 100-150 литр шу ёқилгидан қуйишимни айтди. Дизел ёқилгиси устидан 2050 литр бензин куйдим. Цех бошлиги Ҳасан акадан 2200 литрли "бензин маҳсулоти" деб кўрсатилган юк хати олиб, кўрсатилган манзилга бордим. У жойда мендан ёқилгини операторлар Олим Жумаев ва Қаҳрамон Бегалиевлар қабул қилиб олишди..."

Ноқонуний фаолият барибир ташвиш келтириши турган гап. Шундай бўлди ҳам. Гап-сўзлар унитар корхонанинг Сирдарё филиали раҳбари Ҳ.Алиевга ҳам етиб боради. Машмашалар илдиз отса, ноҳуш ишлар кўпайишини англаб, 2005 йилнинг 1 ноябр куни 2-сизимни тозалаш ҳақида зудлик билан навбатдан ташқари 208-буйруқ чиқарилади.

Меҳнат интизоми ва муҳофазасига амал қилинмасдан ўзбошимчилик билан чиқарилган ана шу буйруқ бир инсоннинг умрига зомин бўлди. Ўзбошимчилик дейишга асос бор: яъни унитар корхона йўриқномасида тасарруфдаги мавжуд сизимлар ҳар икки йилда бир марта тозаланиши назарда тутилган. 5-ФЭТШдаги 2-сизим 2005 йилнинг сентябрида, аниқроғи иккинчи буйруқ чи-

БАХТСИЗ ҲОДИСА
юз бермаслиги мумкин эди

қишидан 2 ой олдин тозаланганди. Хўш, сизимнинг қайта тозаланишига нима зарурат бор эди, деган ҳақли савол туғилмайдими?

Масъулиятли корхонада меҳнат интизоми қай даражада издан чиққанини мана бу ҳолатдан ҳам билиб олиш унчалик қийин эмас. Юқоридаги буйруққа асосан, чилангар Ф.Юлдашев (гарчи у тозалаш бўйича ишчи гуруҳи таркибида умуман бўлмасда) 2005 йил 4 ноябр куни сизимни тозалаётиб хушидан кетади. Қ.Бегалиев унга ёрдам бериш ниятида сизим ичига тушиб, ҳалок бўлади. Ҳар қалай сизимни тозалаш операторнинг хизмат вазифасига кирмасда, уни ишга жалб қилишди. Оқибатда эса...

Фожеадан хабар топган корхона раҳбари жабрдийда оилага имкон даражасида кўмаклашиб, мадад бериш ўрнига меҳнат интизомини ўзи бузгани ва уни яшириш мақсадида 208-буйруқ ҳамда буйруқларни рўйхатга олиш китобини йўқ қилади. Лекин ойна этак билан ёпиб бўлмаслиги яна бир қарра исботини топди. Раҳбар шохида бўлса, қонунчилар баргида юришларини кўрсатишди. Яъни, Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертизаси маркази қонунга зид буйруқ нусхасининг аслига

тўғри эканлигини ва бунга корхона ходимлар бўлими раҳбари томонидан имзо қўйилганлигини аниқлашди.

Корхона маъмурияти фожеада ўзларини заррача айби йўқлигини исботлаш ва меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидаларига амал қилмаганлигини яшириш, марҳум оиласига товон пули тўла-маслик мақсадида буйруқни йўқотиб, тозалаш ишларини ўзбошимчилик билан амалга оширилган ва 5-ФЭТШ бош оператори Б.Юлдашев назоратни сусайтириб юборган, деган мазмундаги далолатнома ҳам тузилади.

Эътиборлиси, бахтсиз ҳодисага сизимни тозалаш ишлари хавфсиз бажарилиши юзасидан тайёрларлик тўлиқ амалга оширилмагани, раҳбар ва масъул ходимлар томонидан назорат сусайтирилгани далолатномада тан

олинади. Шундай бўлса-да, воқеа гувоҳлари тариқасида Р.Юлдашев, И.Наврўзовлар номи тираб қўйилади-ю, негадир бунда О.Жумаев шахси кўрсатилмади.

Энг қизиғи, меҳнат муҳофазаси йўлга қўйилмаганлиги сабабли келиб чиққан фожеа 2005 йил 4 ноябр кун юз берган бўлса-да, далолатнома филиал директори имзоси билан 2005 йил 14 март куни тасдиқланган. Бирок унинг охириги қисмида сана 2004 йил 14 март, дея қайд қилиб қўйилган.

Нима бўлганда ҳам инсон тақдирига бефарқлик, меҳнат муҳофазасига риоя этмаслик кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига, гулдад хонадон бошига ғам-ташвиш келтиришига сабаб бўлди. Аслида бундай ҳол юз бермаслиги мумкин эди. Нима бўлганда ҳам ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги аввало маъмурият ва мутасаддиларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунларга рисоладагидек амал қилишига кўпроқ боғлиқ. Шуни била туриб, унитар корхонанинг Сирдарё филиали мутасаддилари нега масъулиятни ҳис этишмади, бурчларини тўғри бажаришмади экан, деган ҳақли савол туғилади.

Давур ЖОЗИЛОВ

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



ДУШАНБА, 20

O'ZBEKISTON

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 "Тахлилнома".
15.45 ТВ анонс.
15.50 "Сизнинг адвокатингиз".
15.55 "Олам ва одам" дастури: "Юнь-Нань виллоя".
16.25 2006 йил -". Хомийлар ва шифокорлар йили". "Яхшилик". "Болалар сайёраси".
16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 "Равнак" студияси намоиш этади.
17.30 "Олтин мерос".
17.40 "Шурданак". Ҳажвий кўрсатув.
18.00 "Банк ва мижоз".
18.10 ТВ анонс.
18.15 "Ошин". Телесериал.
18.50 "Аъло ўйинчи". Телелотерея.
19.10 "Оқшом навалари".
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Бир ўлка-ки."
22.00 "Қақнус". Телесериал премьераси.
23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Олис келажакдаги ёввойи олам".
00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

11.55 Дастурнинг очилиши.
12.00 "Давр" хафта ичида.
12.30 ТВ - анонс.
12.35 "Ўйин". Бадий фильм. 4-қисм.
13.05 Болалар экран: Катта танлафуф.
13.25 "Шум бола". Бадий фильм.
14.55 SMS - тест.
15.00 Ватанларвар.
16.00 Давр.
16.10 ТВ - анонс.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Болалар табассуми.
18.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
18.20 "Рамзий оқ патлар". Бадий фильм. 1-қисм.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Интеллектуал олимпиада.
19.45 Ёшлар овози.
20.00 Муסיкий лаҳзалар.
20.15 Ракурс.
20.30 ТВ-анонс.
20.35 SMS - тест.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Шубҳа". Телесериал.
21.45 SMS - тест.
21.50 Муסיкий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 "Эсмeрaлдa". Телесериал.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.
Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, сешанба 21 феврал кун "Ёшлар" телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" /рус/.
18.50 "Эртақларнинг сехри олами"/рус/
19.00 "Экспресс" телегазетаси.
19.15 "Табрикламиз, кутлаймиз".
19.45 "Телекурьер маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.20 ТТВда сериал: "Камила".
20.50 "Экспресс" телегазетаси.
21.05 "Саломат бўлинг" /рус/.
21.25 "Телекурьер маркет".
21.40 "Махсус мухбир".
22.00 Кинонигоҳ: "Амар, Акбар, Антони". 1-қисм.
23.25-23.30 "Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
8.30 "Тэлпейнинг саргузаштлари". Мультсериал.
9.00 "Талкин". Информационно-таҳлилий кўрсатув.
9.30 Бокс. Республика биринчилиги.
10.10 "Соғлом авлод".
10.25 Жаҳон спорти: Баскетбол, NBA "Юлдузлар ўйини".
11.25-11.55 "Турин-2006". XX қишки олимпиада ўйинларидан.
трансляция.

"SPORT", ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Пахлавон". Болалар кураш шоу-си.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Жди меня".
20.00 "Вести".
20.30 "Турин-2006". XX қишки олимпиада ўйинларидан.
трансляция.
21.30 "Хабарлар".
21.50 "Турин-2006". XX қишки олимпиада ўйинларидан.
трансляция.
23.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

Уважаемые телезрители! В связи с прямой трансляцией XX зимних Олимпийских игр в программе возможны изменения

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Многосерийный фильм
10.10 Лариса Удовиченко в ироническом детективе «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.30 «Кривое зеркало»
12.00 Новости
12.10 «Черный ворон». Многосерийный фильм
13.20 Эдди Мерфи в комедии «Дежурный папа» (2003 год)
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Талисман»
17.00 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Криминальная Россия. «Неуловимые налетчики». 1-я серия
18.40 Александр Балувев, Инна Чурикова в многосерийном фильме «Московская сага»
19.50 Жди меня
21.00 Время
21.30 Премьера. Владислав Галкин, Алексей Серебряков, Кирилл Лавров, Петр Вельяминов в детективе «Казароза»
22.30 Документальный фильм
23.20 Ночные новости
23.40 Документальный фильм
0.30 XX зимние Олимпийские игры. Фигурное катание. Произвольный танец. Прямая трансляция из Турина
3.30 Триллер «Ящик Пандоры»
5.00 Новости
5.05 Триллер «Ящик Пандоры». Окончание
5.10 «Новый день»

РОССИЯ

5:00 «Доброе утро, Россия!».
8:45 Георгий Юматов, Тамара Семина, Людмила Гурченко и Людмила Шагалова в приключенческом фильме «Один из нас», 1970г.
10:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00 ВЕСТИ.
11:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:50 «Комната смеха».
12:45 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
13:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:00 ВЕСТИ.
14:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14:40 Ольга Погодина, Лидия Федосеева-Шукшина, Михаил Ефремов и Игорь Верник в комедии «Женская интуиция-2», 2005г.
16:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17:00 ВЕСТИ.
17:15 «Смехопанорама».
17:50 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18:45 ПРЕМЬЕРА. Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобочкий в телесериале «Волчица».
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20:00 ВЕСТИ.
20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. «Громовы». Телесериал.
21:55 ПРЕМЬЕРА. Константин Хабенский, Ярослав Бойко, Евгения Хиривская, Алексей Горбунов, Андрей Ильин, Ирина Лачина и Регина Мянник в детективном телесериале «Бухта Филиппа».
23:00 «ВЕСТИ+».
23:20 ПРЕМЬЕРА. «Тайна Туринской плащаницы».
0:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
0:30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
1:00 «Синемания».
1:30 «Дорожный патруль».
1:45 НОЧНОЙ СЕАНС. Ален Делон и Жак Перрен в криминальной драме «Слово полицейского» (Франция), 1985г.
3:20 Канал «Евроьюс» на русском языке
4:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Мультфильм «Как щенок учился плавать».
9.15 Мультфильмы «Зарядка для хвоста», «Бабушка удава».
9.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 15-я серия.
10.00 Мультсериал «Люди Икс». 36-я серия.
10.30 Мультфильм «Мозаика».
11.00 Художественный фильм «МИЛЕДИ». Франция, 2005.
13.40 Художественный фильм «ПО УЛИЦЕ КОМОД ВОДИЛИ». Россия, 1978.
15.00 «Осторожно, модерн!» 1-я серия.
15.30 Мультфильм «Сказка сказок».
15.45 Мультфильм «Мозаика».
16.00 Художественный фильм «СЕВЕРИНО». Германия, 1974.
17.30 Художественный фильм «БЕССОННИЦА». США, 2002.
19.55 Ваш здоровый позвоночник. Доктор Богданов.
20.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 60-я серия.
21.00 Художественный фильм «ЛОС-АНДЖЕЛЕСКАЯ ИСТОРИЯ». США, 1991.
23.00 Художественный фильм «ЗАЛОЖНИЦА». США, 2001.
1.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА». 94-я серия.
2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 60-я серия.
3.00 Художественный фильм «ТИХООКЕАНСКИЕ ВЫСОТЫ». США, 1990.
5.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА». 94-я серия.

СТС

8.00 «МЕДИКИ». Многосерийный художественный фильм.
8.40 «Как лечить удава». Мультипликационный фильм.
8.50 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
11.00 Истории в деталях.
11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30 Комедия на СТС. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
12.00 Кино на СТС. «СЫН РУСАЛКИ».
14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Многосерийный художественный фильм.
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм.
15.30 «Соник Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Лига справедливости». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Король Артур и рыцари без страха и упрека». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 «Годзилла». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.30 «Звездный десант». Многосерийный мультипликационный фильм.
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Многосерийный художественный фильм.
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
20.30 Комедия на СТС. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
23.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
23.30 Кино на СТС. «БЕГУЩИЙ ЧЕЛОВЕК».
1.30 Истории в деталях.
1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
2.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
2.30 Детали.
3.30 «33 квадратных метра. Дачные истории». Юмористическая программа.
4.25 Кино на СТС. «И МОРЕ РАСКРОЕТ ТАЙНУ». Часть 1-я.
5.55 «ШПИОНКА». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.

НТВ

6:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
13:00 «СЕГОДНЯ»
13:30 Острозюжетный сериал «РИЭЛТОР»
15:35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:00 «СЕГОДНЯ»
16:20 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»
18:35 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
19:00 «СЕГОДНЯ»
19:40 ПРЕМЬЕРА. Сергей Маховиков в острозюжетном сериале «СЛЕПОЙ - 2»
20:50 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»
22:00 «СЕГОДНЯ»
22:45 Сергей Никоненко в фильме «ИНСПЕКТОР ГАИ»
0:25 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ». Ток-шоу Татьяны Толстой и Авдотьи Смирновой.
Андрей Орлов
1:20 «ВСЕ СРАЗУ!» с Петром Фадеевым
1:45 Лоридана Кеннета в фильме «ПОЖИРАТЕЛЬНИЦА МУЖЧИН» /Италия/
3:15 Малком Макдауэлл в фильме Стэнли Кубрика «ЗАВОДНОЙ АПЕЛЬСИН» /США/

5:35 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР

СЕШАНБА, 21

O'ZBEKISTON

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Олам ва одам" дастури: "Олис келажакдаги ёввойи олам". Сериал. 1-қисм.
9.40 ТВ анонс. "Болалар сайёраси".
9.45 "Ака-ука Гримм эртақлари". Мультсериал.
10.10 "Мустақиллик майдони - маънавият майдони".
10.30 "Остонаси тиллодан".
10.50 ТВ анонс.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 ТВ анонс.
12.00 "Оҳангларга ошuftа кўнги". Ўзбекистон халқ артисти А. Исмоиловнинг ижодий кечаси.
12.45 ТВ анонс.
12.50 "Қақнус". Телесериал.
13.50 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Бир ўлка-ки."
14.40 "Дилларга ором истаб". Концерт.
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.10 ТВ анонс.
15.15 "Жиддий ўйин". "Болалар сайёраси".
16.05 1. "Болалар дунёси". 2. "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 "Ақл ва идрок".
17.35 "Олтин мерос".
17.45 ТВ анонс.
17.50 "Тарих кўзгуси".
18.10 "Оқшом навалари".
18.20 ТВ анонс.
18.25 "Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала".
18.45 "Ошин". Телесериал.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Ишқ эртаги. Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Олтин мерос".
22.00 "Қақнус". Телесериал премьераси.
23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Олис келажакдаги ёввойи олам". Сериал. 2 - қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

14.55 Дастурнинг очилиши.
15.00 "Шубҳа". Телесериал.
15.45 SMS - тест.
15.50 Интеллектуал олимпиада.
15.55 "Ёшлар" телеканали фототанлови.
16.00 Давр.
16.10 ТВ-анонс.
16.15 "Япониянинг боқий маданияти". Хужжатли фильм. 9-қисм.
16.35 Эврика.
16.45 Даврнинг боласи.
16.55 Янги алифбони ўрганамиз.
17.10 Муסיкий лаҳзалар.
17.20 Ёшлар овози.
17.35 Sinema BolliVud.
17.50 Билганингиз фойда.
18.05 Оқшом кўнгираклари.
18.10 SMS - тест.
18.15 "Рамзий оқ патлар". Бадий фильм. 2-қисм.
18.45 ТВ-анонс.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Дийдор.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 Автопатруль.
20.30 Муסיкий лаҳзалар.
20.45 SMS - тест.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 ТВ-анонс.
21.50 Муסיкий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмeрaлдa». Телесериал.
23.05 ТВ - анонс.
23.10 "Тўтикушли хоним". Бадий фильм.
0.40 ТВ-анонс.
0.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/8 финал. Турдидан-турри олиб кўрсатилади.
2.45 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" /рус/.
18.50 "Мультчархалак".
19.00 "Экспресс" телегазетаси.
19.15 "Табрикламиз, кутлаймиз".
19.45 "Телекурьер маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.20 ТТВда сериал: "Камилла".
20.50 "Экспресс" телегазетаси.
21.05 "Инсон ва қону".
21.25 "Телекурьер маркет".
21.40 Кинонигоҳ: "Амар, Акбар, Антони". 2-қисм.
23.05-23.10 "Хайрли тун шахрим".

6.30 Евгений Жариков в детективе «Убить «Шакала»
8.00 «Ударная сила». «Солдат будущего»
8.50 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
9.20 Умницы и умники
10.00 Новости
10.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
10.30 Пока все дома
11.30 «Веселые картинки» с Юрием Гальцевым и Геннадием Ветровым
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 Живой мир. «Прогулки с чудовищами»
13.10 Премьера. «Тайны Нью-Йорка»
13.50 «Зимняя шутка»
14.30 Приключения в тылу врага в комедии «Дачная поездка сержанта Цыбули»
16.00 XX зимние Олимпийские игры. Биатлон. Женщины. 12,5 км. Прямая трансляция из Турина
16.50 Иосиф Кобзон, Надежда Бабкина, Лев Лещенко, Маша Распутина в юбилейном вечере Вячеслава Добрынина
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Продолжение юбилейного вечера Вячеслава Добрынина
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»

Савол: кейинги пайтларда автомобил эгалари бензин ўрнига газдан фойдаланишни қулай ва арзон деб билишмоқда. Назаримда, улар газнинг арзонлигига учишмоқда. Охир-оқибатда машина ишдан чиқмаслигига ким кафолат беради!? Колаверса, ёнгин чиқши, шунингдек, газдан захарланиш хавфи йўқми?

**Т.ЭШМАТОВ,
Сурхондарё вилояти**

Бензин ўрнини босадиган ёнилғини ишлаб чиқариш анчадан бери давом этиб келмоқда. Шу даврга қадар бензинга муқобил ёнилғи сифатида электр токи, этил спирти, табиий газ, метанол ва бошқа воситалар мутахассислар синовидан ўтказилди. Тан олиб айтиш керакки, юқоридаги воситалар орасида камхаржлиги, ҳар томонлама қулайлиги жиҳатидан газ алоҳида хусусият ва имкониятларини намойён этди.

Газнинг тежамкорлик хусусиятлари

Газ тежамкорлигининг асосий омилларидан бири, газ маҳсулотларининг арзонлиги, экологик тозаллиги ва бензиндан кўп хусусиятлари билан устунлигидадир.


Дунёнинг барча мамлакатларида газ мосламаларини автоуловга ўрнатиш амалга оширилади. Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланиб, двигателнинг қуввати ошиб боради.

Автоуловга газ мосламаси ўрнатишнинг асосий афзалликларидан бири унинг тежамкорлигидадир. Бутун жаҳон газнинг арзонлигини ва экологик тоза ёнилғи эканлигини тан олди. Ҳозир қатор мамлакатларда газ ускуналари билан жиҳозланган машиналар харажати бензин билан юрган машиналар харажатига қараганда бир мунча арзонга тушяпти. Газ машинанинг техникавий иш жараёнларини зўриқтирмаган ҳолда, унинг двигатели қувватини кучайтиради ҳам. Бошқача айтганда, газ цилиндрнинг «девор»лари мойини ювиб кетмайди, ёнилғининг бир маромда ёниши учун унинг ҳаво билан яхши аралашувига қулай шароит яратади.

Мой ўз хоссасини аста-секин йўқотишини инобатга оладиган бўлсак, уни алмаштириш ҳоллари ҳам камроқ бўлади. Газ қуюлмаси деярли тўла ёниб, поршенларда, клапанларда ва

ёндириш шағам(свеча)ларида куйиш ҳоллари бўлмайди, поршенлар гуруҳи ва коленчатли валлар «юки» енгиллашади. Натижада, двигател ҳам енгил ишлаб, тебраниш ва силтаниш ҳоллари сезилмайди. Моторга тўғри иш режими танланса, «2-3 дБ» дан тарқаётган шовқин ҳам камаяди.

ҚУЛАЙ, АРЗОН, АФЗАЛ, ТЕЖАМКОР ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА




Бу омилларнинг ҳаммаси пировардида ёнилғига сарфланадиган маблағни икки баравар (кўпроқ ҳам) тежаш, двигателнинг хизмат муддатини 30 — 40 фоиз, мой ва шағамларни 2 баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, таъмирлашга кетадиган харажатлар миқдори ҳам камайтиради. Сўзимизнинг исботи сифатида 1 литр бензин — 470 сўм бўлса, газнинг 250 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғлик иқтисодий самара беришини аниқлаш қийин эмас. Масалан, «Нексия» автомобили 100 км.га 9 литр бензин сарфласа, газда эса 9,9 литр сарфлайди. Шунда кунига 150 км. юрилса бир йил давомида 878725 сўм тежаб қолинади. «Дамас» автомобиллари эса 100 км.га 7,5 литр бензин, 8,25 литр газ сарфлайди. Бу бир йил давомида 723937 сўм иқтисод

қилинади, деганидир.

Иш бажарувчанлиги

Юқоридаги бу жиҳат ҳам газни танлашда энг муҳим омиллардан бири сифатида эътироф қилинади. Кўпчилик автомобил эгалари газнинг иқтисодий тежамкорлигига эътибор қаратишиб, унинг бошқа афзалликларини унутиб қўядилар. Бинобарин, газ баллон системасида йўл-йўлакай салондан туриб, автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Газ системасининг таъминот қисмида носозликлар вужудга келганда ҳам автомобилнинг ҳаракатдан тўхташ хавфини деярли йўққа чиқаради. Бундан ташқари, автомобил газ баллони-



бил ёнилғи сифатида фойдаланиш экологияни яхшилашга хизмат қилади. Чунки каталитик заҳар ҳисобланган моддалар газ ёнилғиси таркибиде деярли йўқ. Табиий газ машина двигателларининг «Евро-4» экологик меъёрларига тўла мос келади. Шунингдек, энергия манбаларидан

экан. Автомобиллардан фойдаланиш тажрибаси ҳам газ билан ҳаракатланадиган машиналарда нисбатан портлаш хавфи камроқ эканлиги аниқланган. Газ ёки бензин ҳавода маълум ҳажмдагина юқори концентрацияда ёниши мумкин. Бензин 1,5 литр концентрацияда ёнади. Ҳаракатланаётган автомобилда эса ёнгинга хавфи ҳолат вужудга келмайди. Бир неча ҳолатлардан мисол келтиришимиз мумкин. Газ келадиган йўналишининг баллондан узилиши кузатилганда, газ баллонининг пачоқланиши каби портлашга олиб келувчи ҳолат кузатилмаган.

Шу ўринда Америка газ ассоциациясининг статистик маълумотларига эътиборимизни қаратсак. Газ ёнилғиси билан ишлайдиган 2400 автомобилдан 10 йил мобайнида мунтазам фойдаланилган. Улар жами 280 млн. км. йўл босган. Шу вақт давомида 1360 та тўқнашув юз берган. Булардан 180 та ҳолатда автомобилнинг газ баллони жойлашган қисми шикастланган. Лекин бирор бир ҳолатда баллон шикастланмаган. Худди шундай бешта ҳолатда эса бензинли автомобилларнинг аланга олиши кузатилган.

Ҳўш, автомашинангизга баллонли газ ускуналари ўрнатмоқчисиз, даставвал қаерга, қайси устаканага борганингиз маъқул?

Бу борада сизга маслаҳат: «INTERMOBILGAZ» очиқ масъулияти чекланган жамияти автомашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. У — BRC. BRC Gaz Equipment (савдо маркази — MTM srl (Италия) компаниясига қарашли бўлиб, баллонли газ ускуналарини ўрнатувчи (эксклюзив) тезкор диллердир.

Ҳозир Тошкентда 13 та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ишлаб турибди.

Компания мижозлари сони Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

**Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди**

ни тўлиқ тўлдирилганда, автомобил икки баробар кўпроқ ҳаракат қила олади (газ баллонининг ҳажми бензин бақидан кичик эмас). Юқоридаги ҳолат узок масофаларга қатновчи ҳамда сотиб олинган бензиндан кўнгли тўлмайдиган ҳайдовчиларга қулайлик яратади. Каталитик нейтраллизатор билан жиҳозланган қиммат нархдаги хориж машиналарининг эгалари ҳам газ ёнилғи системасини ижобий баҳолашапти. Газ системаси автомобилнинг амортизация қисмига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар газдан тўғри фойдаланилса, резинали техник мосламаларнинг фойдаланиш муддати беш йилга узаяди. Газ ускунасининг айрим деталларини бошқа автомобилларга ҳам ўрнатиш мумкин.

Яна бир жиҳат: баллонли газ ускуналари автомашинани олиб қочиш (угонь) «имконият»ларини ҳам чеклайди: осонгина ечса бўладиган коммутаторни узиб қўйсангиз бас, ҳар икки тур ёнилғининг узатиш йўли батамом бекилган бўлади: мотор ўт олмайди.

Экологик тозаллиги

Маълумингизким, автомобиллар томонидан бир дақиқада атмосферага тонналаб заҳарли моддалар чиқарилади. Ваҳоланки, автотранспортларда газдан муқо-

оқилонга фойдаланишда ҳамда нефть заҳираларини келажак авлодлар учун сақлашда газнинг аҳамияти беқиёс. Шунга қарамай, автомобил ишқибозлари газлаштирилган автомобилларга хавфсираш назари билан қарашмоқда. Мана шу жиҳат газлаштирилган автомобиллар хавфли, деган тушунчани пайдо қилган.

Хавфсизлиги

Газнинг баллонда босим остида сақланиши дизел ва бензин ёнилғисига қараганда анчагина хавфли, деган фикрни уйғотади. Аслида эса бундай эмас. Газ баллонлар анча хавфсиз ёниладир. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Газ баллонлари баланддан тушишда, ўқ отар қуролдан ўқ узилганда, юқори ҳароратларда, оловга ва кислотага чидамлилиги бўйича бир неча бор синовдан ўтказилган. Қоида бўйича баллонлар машинанинг шикастланиш хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади. BMW фирмаси аниқ фактлар асосида автомобил корпусининг шикастланиш хавфини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, автомобил корпусининг газ билан жойлашган қисмида шикастланиш хавфи атиги 1 — 5 фоизни ташкил қилар

Дунёда «парранда гриппи» хавфи кундан-кунга кенг ёйилиб бормоқда. Ўтган йили ёввойи ва уй паррандаларининг бу касалликка чалиниш ҳолатлари фақат Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида кузатилган бўлса, эндиликда Европа ва сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам рўйхатга олинмоқда. Ушбу касаллик вирус штаммларидан бири инсон учун ҳам хавфли эканлиги шифокорларни ташвишга солмоқда. Дунёда 40 нафардан зиёд киши «парранда гриппи»дан нобуд бўлган қайд этилди. Бунда чегара билмайдиган, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юрадиган ёввойи қушлар касалликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда худудимизга инсон учун юқумли бўлган ушбу янги касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун қўшимча чоралар кўриломоқда.

Сувда сузиб юрвучи ёввойи қушларнинг жанубдан шимолга кўчадиган баҳор мавсуми келди ва уларнинг ушбу йўналиши бизнинг худудимиздан ҳам ўтади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария вазири, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВ. — Мамлакатимизда очиқ сув ҳавзалари кўп. Кўчиб юрвучи қушлар бу жойларга вақтинча қўниб ўтиши ва уларнинг бир қисми вирус билан зарарланган бўлиши мумкин. Шу боис ҳозирги энг асосий вазифа одамларнинг бу қушлардан эҳтиёт бўлиши ва уй паррандаларини уларга яқинлаштирмастикдан иборатдир. Бундан ташқари, республикамизга «парранда гриппи» қайд этилган мамлакатлардан парранда гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш усидан назоратни кучайтириш ҳам ўта му-

ҳим вазифа ҳисобланади. — Ўзбекистонда уй паррандалари, айниқса одамлар орасида ушбу вирус билан касалланиш ҳолатининг қайд этилмагани ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасидир. Ўзбекистон санитария-назорат миология нazorати хизматлари инфекция йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш учун ветеринарлар, божхоначилар, чегарачилар ҳамда бошқа тегишли идоралар мутахассислари билан ҳамкорликда ишламоқда.

«ПАРРАНДА ГРИППИ» ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ўтган йили ҳукумат қарорларига биноан республикамиз худудига Россия, Қозғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан, ушбу мамлакатларда касаллик мавжудлиги аниқланганидан сўнг, парранда маҳсулотларини олиб келиш вақтинчалик тақиқланган эди. Бу талабни қатъий бажаришда чегарадош туманларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекатларида фаолият юритаётган санитария-назорат пунктлари ходимлари ҳам иштирок этмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизга келаётган одамлар соғлигини назорат қилиш ҳам уларнинг бевосита вазифасига киради.

Маълумки, эпидемия ва эпизоотиянинг олдини олиш уларнинг оқибатига қарши курашга нисбатан анча кам харажати талаб қилади. Аҳоли орасида тарғибот иш-

ларини ўтказиш эса бу вазифанинг таркибий қисмидир. Одамлар касалликнинг қандай юқиши ва унинг олдини олиш учун нима қилиш зарурлигини билиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида «парранда гриппи»нинг олдини олиш бўйича республика штаби кеча-кундуз ишлаб турибди. Вилоятларда ҳам шундай тузилмалар ташкил этилган. Штабларга санитария ва ветеринария шифокорлари ҳам жалб қилин-

ган. Жойларда улар уйма-уй юриб, аҳолига юқиши мумкин бўлган инфекциядан қандай ҳимояланишни тушунтирмоқда, уй паррандаси ушбу ўлатга чалинган ёки чалинмаганини аниқламоқда, одамлар соғлигини текширмоқда. Ҳар бир шубҳали ҳолат синчковлик билан ўрганилмоқда. Шунингдек, паррандачилик фабрикалари ва паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига аниқ ёрдам кўрсатиш мақсадида рейдлар уюштирилмоқда. Бундан ташқари орнитологлар билан биргаликда сувда сузадиган кўчманчи қушлар тўпланадиган жойларни доимий назорат қилиш йўлга қўйилди.

Бу борада болалар боғчалари ва мактабларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу ерларда ўйин ва болаларга тушунарли шаклда махсус дарслар ўтказилмоқ-

Долзарб мавзу

Ушбу дарсларда мутахассислар болаларга «парранда гриппи» хавфи ва унинг олдини олиш бўйича санитария-гигиена чоралари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Хорижий ҳамкасбларимизнинг маълумотларига кўра, аҳолини гриппнинг «оддий» шаклларига қарши эмлаш бу касалликнинг олдини олиш борасида муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, жорий мавсумда республикамиз аҳолисини оммавий эмлаш ташкил этилди. Бу ҳам мамлакатимизда «парранда гриппи»нинг пайдо бўлишига қарши курашнинг ўзига хос омилига айланди.

Шу тариқа Ўзбекистонда ушбу хавфли инфекция йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Шундай эса-да, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вирусга қарши энг замонавий препаратлар керакли миқдорда сотиб олинди, дезинфекция воситалари, вирусология лабораториялари учун реактивлар, ташхис қўйиш воситалари ва тест-тизимлар захираси яратилди. Барча юқумли касалликлар шифохоналарида «парранда гриппи»га чалинганликда гумон қилинган одамларни даволаш ва уларни ажратиб қўйиш учун жойлар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, худудимизга дунёнинг турли мамлакатларида вақти-вақти билан эпидемия ҳамда эпизоотиянинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётган юқумли касалликларнинг кириб келишига қарши курашда самарали восита бўлган барча зарур профилактика чоралари кўрилди.

**ЎЗА МУХБИРИ
А.ИВАНОВА ёзиб олди**

Ўқинг, асқотади

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасида асосий бўлмаган иш жойидан (Республикамиздаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент – жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Давлат солиқ кўмитаси жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ва декларация бўлими бошлиғи Жўрабек Ғоибов билан суҳбатимизда декларациянинг мазмун-моҳияти, уни тақдим этиш тартиби ва имтиёзлар ҳақида сўз борди.

КЕЧИКСАНГИЗ ЮТҚАЗАСИЗ

– Солиқ қонунчилигида белгиланган тартиб бўйича асосий иш жойидан ташқарида ўриндошлик йўли билан ишлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари бўйича ишлар ва хизматларни бажариш, мулкни ижарага бериш ва бошқа йўллар билан даромад олган резидент – жисмоний шахс жами йиллик даромади ҳақида декларация тўлдирди, – деди суҳбатдошимиз. – Тугаган календар йилида фақат асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан даромад олган жисмоний шахсларга декларация тақдим этмайдилар.

– **Асосий бўлмаган иш жойларидан даромад олган жисмоний шахслар декларацияни қандай тартибда топширадилар?**

– Амалдаги солиқ қонунчилигида фуқаролар даромадларидан прогрессив ставкаларда солиқ ундирилиши кўзда тутилганлиги сабабли тўлов манбаларида бир вақтнинг ўзиде бир неча манбадан даромад олаётган шахсларнинг даромадларини тўлиқ солиққа тортиш имконияти йўқ. Шу сабабли асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган шахсларнинг даромад солиғи бўйича якуний ҳисоб солиқ идоралари томонидан амалга оширилади. Бунда асосий иш жойи бўлган манба деганда, фуқаронинг меҳнат дафтарчаси юритиладиган ташкилот тушунилади. Меҳнат дафтарчаси юритилмайдиган даромад манбалари асосий иш жойи бўлмаган манба ҳисобланади.

2005 йил давомида асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган фуқароларимиз жорий йилнинг 1 апрелига қадар яшаш жойларидаги солиқ идораларига белгиланган шаклда жами йиллик даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим. У ерда фуқароларга декларация бланкалари берилади. Бланкаларни тўлдирши ва рўйхатдан ўтказишда солиқ ходимлари сизга яқиндан ёрдам беришади.

Йиллик умумий даромад бўйича ҳисоблаб берилган қўшимча даромад солиғи миқдори жорий йилнинг 1 июнига қадар бюджетга тўланиши лозим. Агар жами йиллик декларация асосида ортиқча даромад солиғи ушланганлиги аниқланган бўлса, у ҳолда солиқ тўловчининг ёзма аризасига мувофиқ, ушбу сумма қайтариб берилиши ёки кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

– **Даромад солиғини тўлашда имтиёзга эга бўлган шахслар бугунги кунда дивидент олсалар, уларга нисбатан солиқни ҳисоблашда қандай имтиёзлар қўлланилади?**

– Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддаси 2-қисмига асосан айрим тоифадаги жисмоний шахслар ҳисобот йили учун тегишли хужжатларни тақдим этганларида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қисман ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридан озод қилинишлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланган имтиёз жисмоний шахсларнинг дивидентлар бўйича даромадларига ҳам тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йилнинг 18 мартда рўйхатдан ўтган “Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1110-сонли Йўриқноманинг 23-бандига асосан энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан имтиёз жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жой-

идаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 4-бандига асосан эса дивидент ҳолида олинган даромадлар 5 йил муддатга солиқдан озод қилиниши белгиланган. Шунингдек, Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ эса, жисмоний шахсларнинг дивидент тарзида олинган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортилмайди.

– **Ҳисобланган қўшимча солиқни бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинми?**

– Мумкин, фақат белгиланган муддатгача. Солиқ кодексининг 64-моддасига кўра, резидент-жисмоний шахслар жами йиллик даромад солиғини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг, яъни 2006 йилнинг 1 июнидан кечикмай, даромад солиғи йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса, декларация солиқ органига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида тўлайдилар.

– **Солиқ тўловчилар томонидан декларацияларни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун қандай моливиый жазо чоралари қўлланилади?**

– Даромад тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилишга, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима тўлашга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 135-моддаси 4-бандига асосан солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида ёки белгиланган шаклда тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорда, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддати тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилиши белгиланган.

– **2006 йилда жисмоний шахсларни солиққа тортишда қандай ўзгаришлар рўй берди?**

– Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2006 йилдан бошлаб юридик ва шу жумладан жисмоний шахслар томонидан дивидент ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 15 фоиз ўрнига 10 фоиз қилиб белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонунига асосан 2006 йилда ҳам жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкасининг 3 табақали ставкаси сақлаб қолиниб, ўрта ва юқори ставка 1 фоиздан камайтирилди.

Суҳбатдош:
Жасур НОСИРОВ

«Тури-2006»

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИГА ЎЗГАРИШ

Об-ҳавонинг кескин ўзгариши Туринда ўтаётган Олимпиада ўйинлари жадвалига ўзгариш киритишни тақозо этмоқда. Тоғ чанғичилари ва иккикураш-



чилар ўз дастурларини жиддий ўзгаришларсиз давом эттира олмасликлари тайин. Чунки ўтган тунда Сан-Сикарио тоғларида жойлашган тезлик трассасида катта қор ёққан. Ташкилотчилар трассадаги қорларнинг 5 сантиметрини қириб олиши мумкинлигини айтишсада, кучли эсаётган шамол барибир ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бу ҳолатда мусобақани давом эттириш спортчиларнинг жароҳат олишларига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис бўлса керак, ташкилотчилар навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиб баҳсларни орта суришни мўлжаллашмоқда. Тоғ чанғи спорти директори Атле Скардальнинг таъкидлашича, фақатгина бу ерда ўтаётган икки спорт тури бошқа кунга кўчирилмаслигини билдирган.

ДОПИНГ ТУФАЙЛИ НУРСИЗ ЯКУН



Олимпиада ўйинларидаги иштирокини анча муваффақиятли бошлаган Россия терма жамоаси допинг можароси исқанжасида қолди. Кутилмаганда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳодиса рўй берди. Бу тўполоннинг асосий қахрамони, Солт-Лейк-Сити олимпиадаси чемпиони, хизмат кўрсатган биатлончи Ольга Пилёва бўлиши кўпчиликни довдиратиб қўйди. Минглаб мухлисларнинг севимлиси бўлган спортчи тақиқланган “карфедон” моддасини истеъмол қилганликда айбланмоқда. Икки марта ўтказилган допинг текширувида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади. Халқаро олимпия кўмитаси спортчи қўлга киритган кумуш медални бекор қилди.

Энг хунук томони шундаки, ХОК қоидаларига кўра энди спортчи икки йилга мусобақалардан четлаштирилади. Бу эса ажойиб натижалар кўрсатган спортчи фаолиятининг нурсиз якун топишига олиб келади. Халқаро биатлончилар уюшмаси раиси Янис Водичар бу ҳолатдан ҳайратга тушган ва шундай деган: “Бу ҳодисадан қарахт бўлиб қолдим. Чунки, биз билган Ольга кучли спортчи бўлиши билан бирга чин инсон сифатида ҳам ҳурмат қозонганди. Афсуски, энди ҳамма далиллар унга қарши”.

Бундай ҳодисанинг юз беришига ким айбдор эканлиги ҳозирча номаълум. Спортчининг мурабийи ҳамда турмуш ўртоғи Валерий Медведцев шогирдининг допинг истеъмол қилганлигини “керакли жойга” билдирмаганлиги сабабми ёки витаминлар ишлаб чиқарган корхона айбдорми, ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ. Спортчи олимпиада ўйинлари олдидан фенотропил моддасини истеъмол қилганлиги ҳақида допинг хизматини огоҳ этганди. Бироқ бу модда “карфедон” бўлиб чиқди.

Яна бир ёмон томони, Италия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Пилёвани жиноий жавобгарликка тортишини маълум қилган. Чунки бу мамлакат-

Спорт оламида



да тақиқланган допинг моддаларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тарқатилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш қонунда белгилаб қўйилган.

Нима бўлганда ҳам, бу ҳодисага ҳаливери нуқта қўйилмаслиги аниқ. Бироқ, юз берган бу ҳодиса спортда, айниқса, олимпиада ўйинларида гирромлик кетмаслигини яна бир карра исботлади. Ҳалол баҳслашганга не етсин!

ДАРВОЗАБОННИ ОЛҚИШЛАШДИ

Россия терма жамоаси дарвозабони Евгений Набоков хоккей бўйича Россия терма жамоасининг биринчи рақамли дарвозабонига айланди. Швеция терма жамоаси устидан 5:0 ҳисобида эришилган галабадан сўнг россияликлар му-



рабийи Владимир Крикунов бу ҳақида эълон қилган. У дарвозабонни олқишлаган ҳамда ҳужумчилар ўйинидан кўнгли тўлганлигини билдирган.

Россияликларнинг навбатдаги рақиб Қозғистон терма жамоаси бўлади.

АБРАМОВИЧ ТЕРМА ЖАМОАГА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Россиялик миллиардер, Чукотка губернатори Роман Абрамович Россия терма жамоаси бош мурабийлигига асосий даъвогар саналмиш голландиялик Гуус Хиддинкка тўланадиган хизмат ҳақи учун моддий ёрдам беришга тайёрлигини маълум этган. Бу ҳақида Англияда чиқадиган “Дейли миррор” газетаси хабар берган. Унда ёзлишича, мурабийнинг бир йиллик маоши 4 миллион фунт стерлинг бўлиб, бундай маблағни тўлашга Россия футбол федерациясининг қурби етмайди. Шу боис миллиардер ўз мамлакатига кўмак бермоқчи.

Хиддинк эса Германияда ўтаётган бўйли жаҳон чемпионатида Австралия терма жамоасини майдонга олиб тушади. Шундан сўнггина у бошқа терма жамоа билан ишлаш истагини билдирган. Унинг хизматига Англия терма жамоаси ҳам кўз тиккан.

АФРИКАНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛЧИСИ



Камерун терма жамоаси ҳамда “Барселона” клуби ҳужумчиси Самуэль Это’О Африка қитъасининг 2005 йилдаги “Энг кучли футболчиси” деб тан олинган.

Худди ганалик Абеди Пеле сингари, иқтидорли ҳужумчи ушбу эътирофни кетма-кет учинчи марта қўлга киритмоқда. У овоз тўллаш жараёнида “Челси” жамоасининг икки вакили – Дидье Дрогба (Кот Д’Ивуар) ҳамда Макаэль Эссенни (Гана) орта қолдирган.

Абдулҳай ЮНУСОВ тайёрлади

Муштарий фикри

«...ОТА»ЛАР

шаънига соя тушмасин

...Ўн беш йиллар миёнасида мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар, маъмурчилик ишлари юзага келди. Айниқса, бунёдкорлик ишлари: турли турар-жойлар ва маъмурий бинолар қурилишидан дилимиз яйрайди. Чойхоналарни айтмай-сизми! Уларнинг бир қисми одамлар номи билан аталади, дейлик - Абдурахмон ота, Сайфулла ота, Музаффар ота ва хоказо...

Шахримизда ҳам ўнлаб шундай чойхоналар бор. Лекин оти гарчи "чойхона" деб номланса-да, унда соф ўзбекона, рисоладагидек чойхонадан асар ҳам йўқ. Қани энди, бундай жойларда нуруний, ёши улуг инсонларни кўрсангиз, уларнинг пурмаъно сўхбатидан баҳра олсангиз. Асло унақа эмас. Асосан ичкилик ичилади, маишатга мукка тушилади. Ачинарлиси, бундай "чойхона"лар ичида умрида спиртли ичимлик ичмаган, фариштадек яшаб ўтган инсонлар номи қўйилган-лигидадир. Қизиқ, фарзандлик бурчини бажараяпман, деб ўйлаб, бундай жойларни жоиз бўлмаса ҳам падари бузруквори номи билан боғлаган кимсалардан отаси рози бўлармикан?!

Аслида кўнгилочар емакхона ташкил этилдими, унга ном қўйиш зарур бўлса, ўшанга мослаб қўйган маъкул. Мисол учун, "Чехра", "Дийдор", "Гулзор", "Шабода", "Табассум", "Роҳат", "Хордик" ва шунга ўхшаш...

Бу менинг фикрим. Зеро, фикрлар жамланмаси ортидан қатъий бир мезон юзага келади.

Убайдулла ҒАҒФОРОВ,
Қарши шаҳри

КИТОБСИЗ

кўнгил тўлмас

Ақлий, маънавий камолотда китобнинг ўрни бекиёс. Ўқув юртида, биргина мен ўқийдиган факультет кутубхонасида 30000 нусха китоб бор эди. Биз деярли кутубхонадан чиқмасдик. Ҳозир эса...

Ўтган йил охирида Тошкентга бир иш билан боргандим. Мустақиллик майдонига яқин китоб дўконига кирдим чикким келмай қолди. Бир-иккита китоб харид қилдим. Тўғриси, шу китоб зарур бўлганидан кейин қиммат бўлса-да сотиб оларкансан. Лекин барча шундай қилмаслиги табиий. Қурби етадигани, етмайдиган бор. Шу маънода кутубхоналарнинг ўрни бекиёс. Лекин ҳозирги кунда бу борада ҳам оғриқли нуқталар бор. Қишлоқ кутубхоналаридаги аҳвол ночор. Ҳатто баъзи бир шаҳар кутубхоналарига ҳам эътибор суст. Аниқроғи, пойтахтда чоп этилган аксарият адабиётлар ўз вақтида етиб келмайди. Тўғри, бу жараёнларнинг барчаси маблағ билан боғлиқ масала. Шу боис, маҳаллий

бюджет ҳисобидан ушбу масалага кўпроқ маблағ ажратилса дегандим. Ахир китобсиз кўнгилни тўлдириб бўладими? Менда бир фикр бор: пойтахтдаги катта-катта ноширлик идоралари вакиллари ва бошқа мутасаддилар жойларда бўлишиб, аҳоли орасида ижтимоий сўровлар ўтказсалар айни муддао бўларди. Чунки мен азал бошдан "Одамлар китоб ўқимай қўйди" деган гапга қўшилмайман. Бу саволга аниқлик киритилса бас, хусусан мутолаа билан боғлиқ барча қизиқишлар ўрганиб кўрилса ва шунга кўра амалий ишлар юзага чиқарилса, ана ундан кейин кўрасиз - одамларнинг китоб ўқишини...

Ориф ЖУМАНОВ,
Жиззах шаҳри

СКАНВОРД

Халқ орзу-си							Хумо-юннинг ўғли	Ватан пос-бони	Таж-риба	Кўп-лик кў-шимча
Пой-тахт	Герма-ния шаҳри			Қийин эмас						
							Муно-сабат	... пас (шаҳар)		
Очиқ-ойдин-лик			Ҳақи-қий	Ту-лов						Баҳо-уддин (авлиё)
		Фой-да								
Йирт-кич		Тўрт-дан би-улуш	Ҳотира даф-тари	Нас-рий асар						
Жуш-кин-лик			Лаё-қат	Осиё дав-лати	Ранг			Иссиқ ҳаво	Тоғ-лик (Осиё)	
Исм	Мил-лий спорт	Оби-ҳаёт		Чайко-вский асари						
Да-рахт қисми				Харбий га ча-кириқ	Немис олими	Ижро ҳуж-жати			Ха-лос этиш	
			Соғ-сало-мат							
			Авто қисм			Ҳа-ша-рот		Темир-чи бол-фаси		
За-мон				Сатҳ ўл-чови						
		Кучли сув оқими			... Даби (шаҳар)	Қал-лиқ	Кў-мак	Исти-ҳола		
Суз воси-тави					Мард ин-сон	...нон				Муסי-қа тури
Савдо ходи-ми	Бахт-ли	Бўёқ мод-да	Хил Падар	Само-лёт	Денгиз хай-вони					
				Авто марка (АҚШ)					...боб	
Кўхна курол		Ироқ дарё-си				Эрон шоҳи	Юз йил			
				Тоғлик	Дарахт					

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи

масъулияти чекланган жамияти



- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга бажхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар:

(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Билиб қўйган яхши

Гуллар гўзаллик ва муҳаббат рамзи. Инсон зоти борки, гулни севиб ардоқлайди. Энг яхши кўрган кишиларига гул тақдим этади. Қарангки, гуллар нафақат чиройи, атри, балки шифобахш хусусияти билан ҳам инсонга ором бахш этар экан.

Жасмин муаттар ҳиди билан одамга тетиклик бахш этиб, меҳнат қобилиятини яхшилайди, диққатини жамлайди. Энг муҳим хусусияти руҳий қувватни оширади ва кўнгилга сурур, завқ-шавқ бағишлайди. Бундан ташқари, жасмин ҳиди мияни тиниқлаштириб, оромбахш лаззат беради.

Бинафшанинг ўзига хос атри эса инсон руҳиятига ором бағишлайди. Дилда умид, ишонч туйғуларини уйғотади.

Атиргул одатдагидек аввал кўзингизни яшнатиб, сўнгра кўнглингизга ажиб туйғулар уйғотади. Унинг ифори эса умрни узайтириш қувватига эга. Энг муҳими, атиргулнинг севиб, ундан баҳра олганлар ана шу гўзал гўлдек чиройли ва мафтункор бўлишар экан.

Шунингдек, атиргул тетиклаштирувчи ва қон тўхтатувчи хусусиятга ҳам эга. Атиргул барглари эса ангинада, юқори нафас йўллари шамоллаганда дамлаб, оғиз чайилса шифо бўлади.

Ш.РАУПОВА

Тошкент шаҳар касаб-а уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касаб-а уюшмалари шаҳар ташкилотлари жамоалари шаҳар Кенгашининг меҳнат-кашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлимининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Қобул Дадабоевга волидаи муҳтарамаси

МОХИ АЯНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«KAFOLAT-TRAST»

масъулияти чекланган жамияти

Сизларни 2006 йил 20 март соат 15.00 да

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «KAFOLAT-TRAST» МЧК савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани фуқаролик ишлари бўйича судининг ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Муҳаммад Шокир Хубби Туркистонийга қарашли қуйидаги кўчмас мулк объектлари:

1. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уйнинг 18-хонасидаги 2 хонали турар-жой.

Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уйнинг 19-хонасидаги 3 хонали турар-жой.

Бошланғич баҳоси — 6 500 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уйнинг 48-хонасидаги 2 хонали турар-жой.

Бошланғич баҳоси — 6 500 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объектлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу сотувга қўйилган кўчмас мулк сотилмаган тақдирда 2006 йил 23, 27, 30 март ва 3, 6, 10, 13 апрел кунлари соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закатат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар,

Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 75-уй.

Телефон: 115-2007, 303-3102.

Утерянный сертификат простых именных акций АИКБ «Ипак Юли» в количестве 898.539 штук (серия А, № 000588), выданный на имя компании «INTER-SUGAR LIMITED», считать недействительным.

«ЛАЗЗАТ-ОЙ» ишлаб чиқариш тижорат шўъба корхонасининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан 2003 йил 26 июнда 932/09 рақами билан рўйхатдан ўтказилиб берилган ХШ № 008397 рақамли "Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ" йуқор анлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАД!

Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли актёри, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, халқаро Бобур мукофотининг совриндори Мухаммадали Абдуқундузов 1952 йилда Фарғона вилоятидаги Яйпан қишлоғида таваллуд топган. Санъат институтини тугатиб, дастлаб Сурхондарё вилоят театрида иш бошлаган. Ўзининг 30 йиллик ижодий фаолияти давомида ўнлаб ранг-баранг образлар яратди.

Айниқса, "Бобур" видеофильмидаги Бобур образи актёрга катта шухрат келтирди. Минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Усмон Азим қаламига мансуб "Кундузсиз кечалар" спектаклидаги Чўлпон образини ҳам маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, у "Ўзбектеелефильм" студиясида буюк аждодларимизга бағишлаб суратга олинган "Баҳоуддин Нақшбанд", "Имом Термизий", "Ал-Фарғоний" каби телефильмларга ҳам юксак маҳорат билан овоз берди.

Куйида Мухаммадали Абдуқундузов билан бўлган мулоқотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Театр санъатига бўлган ҳавас сизда қачон уйғонган?

— Биласизми, ота-онам санъаткор бўлишимни хошламаган. Айниқса, онам ўқитувчи бўлишнинг керак, деб кўп бор таъкидлаганлар. Мактабдаги драма тўғараги илк бор мени санъат оламига етаклаган, десам янглишмайман. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг актёрлик факультетини тугатиб, Сурхондарё вилоят театрида ишладим. Ўн икки йил давомида "Ватан ишқи"да (З.Фатхуллин) Давронбек, "Ўн саккиз ёшлигим"да (М.Каримов асари) Равшан, "Уфқ"да (С.Аҳмад) Икром, "Макр ва муҳаббат"да (Ф.Шиллер) Фердинанд, "Кўрмайин босдим тиконни"да (И.Султон) Шокир, "Сепсиз қиз"да (А.Островский) Паратов каби ўнлаб спектаклларда бош ролларни ижро этдим. 1986 йилда ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга ўтдим. Таниқли санъаткорлар Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Саъдихон Табибуллаев, Зкир Мухаммаджонов, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Тўйчи Орипов, Турғун Азизов, Толиб Каримов каби қатор устоз санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлаш катта сабоқ мактаби бўлди.

— Кўпчилик мухлислар сизни Бобур тимсолида танишади. Ана шу видеофильм ҳақида тўхталсангиз?

— Режиссёр Мақсуд Юнусов Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи асосида кўп қисмли видеофильм олмақчи эканлигини айтиб, мени Бобур ролига таклиф этди. Улуғ шоир ва буюк саркарда, катта қалб эгаси, қатъият ва синмас ирода эгаси образини яратишдек масъулият зиммамда турарди. Бу ҳазилакам иш эмасди. Тинмай изланишга, Бобур асарларини қайта-қайта ўқиш-ўрганишга, кечалари мижжа

ТОМОШАБИННИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

қоқмай ишлашга тўғри келди. Айниқса, нутқ, талаффуз, хатти-ҳаракатлар, кўйинги, ҳар бир сахна кўриниши учун ҳафталаб ишлашганмиз. Албатта, бунда Пиримқул Қодиров ва режиссёрим Мақсуд аканинг хизматлари жуда катта.



— Устозларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Биринчи устозим институтдаги домлам Омон Абдураazzoқов бўлса, иккинчиси, Термиз театрининг бош режиссёри Мансур Равшановдир. Қолаверса, Сора Эшонтўраева, Турғун Азизов, Толиб Каримов сингари санъаткорлардан кўп нарсани ўргандим.

— Халқ артисти сифатида

сизни ҳозирги театр санъати қониқтирадими?

— Ўзбекистонда театр санъатини янада ривожлантириш мақсадида "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган. Ушбу ташкилот дастлабки йилларда кўплаб театр фестиваллари, драматурглар, режиссёрлар йиғинларини ўтказиб, уларнинг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйганди. Натижада қатор яхши асарлар ёзилиб, саҳналаштирилди. Лекин сўнгги йилларда енгил-елпи асарлар кўпайиб, оқибат-

да, томошабинлар камайиб кетди. Қолаверса, Миллий театрга мос асарлар кам. Кекса драматурглар ёзмай қўйишди.

Мендан ранжишмасину, негадир кўплаб ёзувчилар драматургиядан, театрдан узоқлашиб кетдилар. Аслида ҳар бир те-

атрининг ўз драматурги бўлиши керак. Қолаверса, келгусида драматург ва режиссёр ҳамкорлигида "Алишер Навоий", "Келлинлар кўзғолони", "Имон", "Қиёмат қарз", "Олтин девор" сингари умрибўқий сахна асарлари яратилишини истайман.

— Ёш истеъодларга ҳозирги кунда қандай эътибор берилаяпти?

— Театримизда ёшларга



ҳамиша катта эътибор бериб келинган. Турғун Азизовнинг ёш истеъодлар билан Шиллернинг "Макр ва муҳаббат" асарини қайта саҳналаштираётганлиги фикримизнинг далилидир. Иқтидорли ёшлар Учқун Тиллаев, Меҳриддин Раҳматов, Рихситилла Абдуллаев, Шухрат Нуралиев, Собир Отажоновлардан умидимиз катта. Қолаверса, бугун томошабинни шунчаки саҳнага чиқиш билан алдаб бўлмаслигини ёшларимиз теран англашади. Улуғ санъаткорлар Аброр Хидоятлов, Шукур Бурхоновлар ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай, тинимсиз изланганини уларнинг ҳар бири билади. Шунинг учун улуғ даргоҳда буюк аждодлари ишини давом эттиришга астойдил бел боғлашган.

— Айни дамларда қайси асар қаҳрамонлари образини яратаясиз. Келгуси ижодий режарларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Шу кунларда "Алишер Навоий" асарида Хусайн Боқаро, "Кундузсиз кечалар"да Чўлпон, шунингдек, "Дарахтлар тик туриб жон беради", "Усмон Носир", "Адибнинг умри", "Соҳибқирон" асарларида узлуксиз иштирок этиш билан, А.Навоий, Бобур таваллуд топган кунларига бағишланган ижодий учрашувлар ўтказдик. "Бобур" видеофильмининг 15 йиллигини талабалар ва кенг томошабинлар ўртасида нишонладик.

Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Миллий театримизда янги бир асар яратиш истагида севимли адабимиз Пиримқул Қодиров билан ижодий ҳамкорлик қилаёямиз. Ниятимиз улуғ.

Сухбатдош:
Раҳимжон ОРИПОВ

Кўхна табобат
сирлари

ЭНГ ФАРОЙИБ
МЎЪЖИЗА

(саримсоқ, асал ва
сирка аралашмасидан
сўнг юз беради)

Инсониятга маълум бўлган кўпгина касалликларни ана шу уч неъмат ёрдамида даволаш мумкинлигини қадимда ҳам, ҳозирги даврда ҳам олимлар бир овоздан маъқуллаб келишяпти. Хўш, бу қандай рўй беради?

АСТМА туфайли азоб чекаётган бўлсангиз, икки бўлак саримсоқни эзиб, бир ошқошиқ олма сиркаси ва икки-уч томчи асал билан аралаштиринг. Бир чой қошиқдан кунига ичиб турсангиз, тезда нафас олишингиз осонлашади.

САРАТОНнинг олдини олиш учун аввало тана аъзоларини сурункали хасталиклардан эҳтиётланг. Масалан, йўғон ичакнинг узоқ муддатли яллиғлини раққа олиб келмаслигини истасангиз саримсоққа тенг миқдорда сирка ва асал қўшиб ҳар куни истеъмол қилиб туринг. Бу ажойиб натижа беради.

ГИПЕРТОНИЯ сизни қийнаётган бўлса, мана бу муолажани бажаринг: икки стакан сувга ўн олти бош саримсоқ, икки ошқошиқ сирка ва шунча миқдорда асални солиб ярим соат давомида паст оловда қайнатинг. Кунига уч марҳал икки ошқошиқдан ичиб турсангиз, қон босими меъёрга келиб, танадаги оғриқлар ва бош айланиши барҳам топади.

ТИШ ОҒРИГИни босиш учун сирка ва асалга бўктирилган саримсоқ бўлакчасини олиб, тиш орасига қўйинг. Бир соат ичида оғриқдан батомом қутуласиз.

ЮРАК ХОЛДАН ТОЙСА шундай амални бажаринг: бир ошқошиқ сирка, бир ошқошиқ асал ва бир неча саримсоқ бўлакларини кичикроқ чойнакда қайнатинг. Бу ҳузурбахш ичимлик тез кунларда юрак фаолиятини мустаҳкамлайди.

ХУСНБУЗАРни даволаш учун икки бўлак саримсоқни эзиб докадан ўтказинг, сувига бир неча томчи сирка ва шунча асал аралаштиринг. Юздаги ҳуснбузар тошган жойларга суюқликдан суриб қўйинг.

Бу муолажани бир-икки ҳафта давом эттирасиз.

БАВОСИЛни тузатишда ҳам саримсоқ, сирка ва асал муолажаси қўл келади. Тўрт бўлакча саримсоқни сувда пишириб эзасиз, унга бир чойқошиқ асал ва шунча миқдорда оқ сирка қўшасиз. Малҳам бавосил (геморрой) пайдо бўлган жойга бир ҳафта мобайнида қўйилади.

ШАМОЛЛАШ эндигина бошланаётган бўлса, саримсоқни тиш чўткаси устига қўйиб оғиз ичида ушлаб туринг. Муолажани бир неча марта такрорланг. Саримсоқ бўлагини оғизда ушлаб туриш муддати икки дақиқа, шу вақт ичида саримсоқ таркибидаги кучли модда таҳдид солаётган хавфни дарҳол қайтаради.

Г.КАРИМОВА
тайёрлади

20-26 феврал

МУҚАЖЖИМЛАР

БАШОРАТИ

КЎЙ. Ҳафта бошида яқин кишиларингиз билан ташвишли кунларингиз бошланади. Ҳафта охирида соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Дам олиш кунингизни оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

БУЗОҚ. Душанбада руҳий тушкунликка тушмасликка ҳаракат қилинг. Ҳафта давомида асабийлашмасдан яқинларингиз ҳамда ишдагилар билан хушмуомлада бўлинг. Фақат ўзингизни ўйланг.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафта ўзингизни ҳар кунгидан қудратлироқ ҳис қиласиз. Ақлингизга таяниб иш кўринг. Шартнома ҳамда учрашув кунингизни

дам олиш кунига белгиламанг.

ҚИСКИЧБАҚА. Душанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Энди ўзингиз ҳақингизда ҳам қайғуринг. Сартарошқонога боришни унутманг. Муаммоларингизни кейинги кунга сурмай бартарар қилинг.

АРСЛОН. Душанба кунини ишингиздан омад кутманг, дам олинг. Сафарга чиқиш ва таниш орттириш фойдадан ҳоли эмас. Яқшанбада ҳаётингизда туб ўзгаришлар кутилмоқда.

ПАЗИЗОД. Ҳафта бошида бизнесдаги ҳамкорингиз кутилмаганда янги ғояларни таклиф этади. Дам олиш кунлари яқинларингиз олдида бўлинг. Ақс ҳолда улар билан келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

ТАРОЗИ. Ушбу ҳафта сиз учун кутилмаган воқеа, учрашув ва турли таклифлар бўлиши мумкин. Сиздан ниҳоятда зийраклик талаб қилинади. Яқшанба кунини молиявий аҳволингиз яхшиланади.

ЧАЁН. Душанба кунини ишда ҳеч қандай хатоликларга йўл қўйманг. Раҳбарлар билан тортишмаганингиз маъқул. Яқшанбада сиз ҳақингизда қайғурганларга ғамхўрлик қилишни унутманг.

ЎКОТАР. Ушбу ҳафта қурилиш ишларини бошлаш учун анча қулай. Уйдаги олди-сотди ишларини бажаришни ҳам унутманг.

ЖАДИ. Душанба кунини ҳеч қандай муҳим ишларингизни орқага сурманг. Бу сиз учун омад келтиради. Дам олиш кунини соғлигингиз ҳақида қайғуриб, дўстларингиз даврасида ўтказинг.

ҚОВҒА. Ҳафта давомида ҳар қандай мураккаб ишларга қўл уришингиз мумкин. Фақат сиздан маҳорат талаб қилинади. Натижада омад кулиб боқади.

БАЛИК. Сиз жисмоний ишлардан толиққансиз. Энди атрофингиздаги яқин биродарлар билан маданий ҳордиқ чиқаринг. Сизни молиявий ва моддий рағбатлар кутмоқда.

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичимчи А-3. Ҳажми 4 боёма табақ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбua акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди

Тиражи: 18996

Буюртма Г—414

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ